

**Юридик шахслар ва юридик шахс макомига эга бўлмаган хусусий тадбиркорларга  
телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича**

**ШАРТНОМА № 1912 066441**

2022 йил «17» январь

Когон шаҳар

Бундан кейин «Оператор» деб номланувчи телекоммуникация оператори (ваколатли шахс) Когон шаҳар телекоммуникация боғламаси

(операторнинг номланиши)

Бухоро телеком

(лицензия берган ташкилотнинг номи)

томонидан берилган лицензия ва Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Н.Шарапов

(раҳбарнинг мансаби, исм-фамилияси)

тимсолида бир томондан,

<b>Юридик шахс,</b>
Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: _____ Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси _____
Манзили: _____ Когон шаҳар Дустлик кучаси, 6-уй _____
Раҳбар, Ф.И.Ш. _____ К.К.Ахмадова _____

бундан кейин «Абонент» деб номланувчи иккинчи томондан шартномани шу ҳақда туздилар:

**2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Оператор интернет хизматларни курсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш ҳамда хизматлар учун ҳақ тулаш мажбуриятини олади.

1.1. Абонент тоифаси - бюджет

1.2. Абонент 2021 йил 1-чоракда интернет хизматлари учун ажратилган маблағлар доирасида қуйидаги график асосида ҳақ тулашни уз зимасига олади. Жумладан:

(сумда)

Йил	январь	февраль	март	Жами бир йилда
2022 йил	333000	333000	334000	1000000
<b>Жами:</b>	333000	333000	334000	1000000

Жами 2022 йил 1-чорак учун 1000000 ( Бир миллион ) сум .

**2. ОПЕРАТОРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. Операторнинг мажбуриятлари:**

2.1.1. Белгиланган сифат даражасида телефон алоқаси хизматларини ўз вақтида кўрсатиш.

2.1.2. Оммавий ахборот воситаларида, Интернет, аҳоли гавжум жойларда, эълонлар бериш ёрдамида корхона фаолияти, янги АТС ларни ишга тушириш, янги хизмат турлари, телекоммуникация хизматлари учун белгиланган тарифларнинг ўзгариши ва бу хизматларни кўрсатиш тартиблари ҳақида хабар бериш.

2.1.3. Универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлигини камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш.

3.1.4. Абонентнинг айбисиз телефон алоқаси бузилганда абонент томонидан таъмирлаш бюросига талабнома тушган вақтдан бошлаб абонент ускунаси ишламаган кунлар учун абонент тўловларини қайта ҳисоблаб чиқиш. қайта ҳисоб-китоблар маълумот рўйхатга олинган кундан эътиборан соат 00.00 дан бошлаб тўлик суткалар учун амалга оширилади. Техник сабабларга кўра абонент рақамининг ўзгаришини камида 10 кун олдин абонентга ёзма равишда маълум қилиш. Ўрнатилган тартибда маҳаллий телефон сўзлашувлари тўғрисидаги маълумот-расшифровка (детализация)ни қўшимча тўлов эвазига Абонентга бериш.